

УДК:631.11.631.52.59.

РАҚОБАТЛИ НАВ СИНОВИ КЎЧАТЗОРИДА ЎРГАНИЛГАН НАВ ВА ЛИНИЯЛАРНИ ДОННИНГ ТЕХНОЛОГИК СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Юсупов Насирилло

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти
“Дон экинлари селекцияси, уруғчи-лиги ва етиштириш агротехникаси” лаборатория
мудири к.х.ф.ф.д.

Марданов Хусниддин Холбазарович

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Кадрлар
ва ўқув юртлари бошқармасининг бош мутахассиси, к.х.ф.д.

Абдуназаров Отабек Улуғбекович

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7308760>

Аннотация. Тажрибада ўрганилган нав ва линияларни доннинг технологик сифат кўрсаткичлари лаборатория шароитида керакли лаборатория асбоблари билан доннинг натураси, шаффофлиги, клейкавинаси, ИДК ҳамда группаси аниқланди.

Калит сўзлар: гр/л, фоиз, группа, иқлим, кўрсаткич.

ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ КАЧЕСТВА ЗЕРНА ИЗУЧАЕМЫХ СОРТОВ И ЛИНИЙ В КОНКУРСНОМ СОРТОИСПЫТАНИИ

Аннотация. Технологические показатели качества зерна изучаемых в опыте сортов и линий определяли в лабораторных условиях при наличии необходимого лабораторного оборудования, природы зерна, прозрачности, клейковины, ИДК и группы.

Ключевые слова: г/л, процент, группа, климат, показатель.

TECHNOLOGICAL QUALITY INDICATORS OF GRAIN OF STUDIED VARIETIES AND LINES AT THE COMPETITIVE VARIETY TEST NURSERY

Abstract. The technological quality indicators of grain of varieties and lines studied in the experiment were determined in laboratory conditions with the necessary laboratory equipment, grain nature, transparency, gluten, IDK and group.

Key words: gr/l, percentage, group, climate, indicator.

КИРИШ

Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши натижасида қурғоқчилик ва иссиқлик ҳамда гармселнинг эсиши буғдой етиштиришда ва донни физиологик тўлиқ шаклланишига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, мамлакатимизнинг баъзи ҳудудларида буғдой етиштираётган катта майдонларида баҳорнинг охирги ойлари ва ёз ойларида бир неча омиллар, етиштирилаётган буғдой навларининг ўсишига, ривожланишига, ҳосилдорлигига таъсир кўрсатилганлиги таъкидланган.

Глобал иқлим ўзгариши содир бўлаётган муаммоларни илмий жиҳатдан асослаш, бардошли навларни яратиш тадқиқотнинг муҳим омилларидан биридир. Селекция ишлари узоқ йиллар давом этадиган тадқиқот бўлиб, унда эртапишар, ўта эртапишар серҳосил, сифат даражаси юқори бўлган навларни яратиш билан яқунланадиган жараёнدير. Илмий тадқиқот доирасида илмий изланишларни ташқи муҳитнинг абиотик омилларига чидамли, яратиладигон навларни ва дурагай тизмаларни баҳолаш муҳим ҳисобланади.

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Республикамиз олимлари томонидан кузги юмшоқ буғдойнинг суғориладиган майдонларида эртапишар, дон ҳосили ва нонбоплик сифат кўрсаткичлари юқори бўлган маҳаллий навларини яратиш бўйича Краснодар селекциясига мансуб ҳамда ИКАРДА, СММИТ халқаро илмий ташкилотларнинг нав ва намуналарини ўрганиш, танлаш ва дурагайлаш йўли билан маҳаллий навларни яратиш бўйича Р.И.Сиддиқов, И.У.Эгамов, С.Э.Тешабоев ва А.М.Мансуров, Н.Х.Юсупов, Д.Алимова, М.Каримовалар илмий тадқиқотлар олиб борган. Сувли майдонлар ва лалми майдонлар шароитига мос кузги ва баҳорги юмшоқ ҳамда қаттиқ буғдой навлари бўйича ИКАРДА, СИММУТ халқаро илмий ташкилотлар селекциясига мансуб интрадукцион эртапишар нав ва намуналарни танлаш дурагайлаш ва маҳаллий навлар яратишда А.А.Омонов, З.Ф.Зиёдуллаев, Р.Сиддиқов, Н.Умиров, А.Хайитбоев, Т.Ўринбоев, А.Нурбековлар бир қатор илмий изланишлар олиб бориб, танлаш ва баҳоланган йўли билан маҳаллий навларни яратган.

Юқорида келтирилган тадқиқотлардан кузги буғдойнинг ўта эртапишар нав ва намуналарни танлаш баҳоланган йўли билан ҳар томонлама минтақа шароитига мос бўлган глобал иқлим ўзгариши шароитида иссиққа чидамли, хавонинг кескин иссиб кетгунигача ҳамда бошоқлаш фазасида иссиқнинг салбий таъсири бошлангунга қадар ўта эртапишар, дон ҳосили ва сифати юқори бўлган маҳаллий навларни яратишдан иборат.

Селекция ашёларини таърифлайдиган асосий кўрсаткичлар маҳсулдорлик, ҳосилдорлик ва маҳсулот сифати ҳисобланиб, улар бир қанча белги ва хусусиятларнинг йиғиндисидан иборат. Дон таркибидаги оқсил миқдори ва унинг сифатига тупрок тузилмаси, ўғитлаш, азотли ўғитлар билан озиклантириш ва бошқа агротехник тадбирлар муҳим таъсир кўрсатади. Дондаги оқсил ва клейковина миқдорини пасайиши ҳосилдорликни ошириш, тупроқда ўсимликнинг ўзлаштириши осон бўлган азот миқдорини камлиги туфайли юзага келади. Аммо бу масалани кузги буғдойга солинадиган азот миқдорини ошириш ҳисобига ҳал қилиб бўлмайди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Р.Сиддиқов, А.Хайитбоев, Н.Умиров, Н.Юсупов (2011 й) олиб борган тажрибаларда шуни такидлайдики касаллик ва ноқулай ташқи шароит офатларини бартараф қилиш йўллари кўп. Улардан энг муҳими касаллика ва ҳар бир минтақа ноқулай ташқи шароитларига чидамли бошланғич манбаларни аниқлаш ва улар асосида маҳаллий иқлим шароитга мос, касалликка ва ноқулай шароитга бардошли, қимматбаҳо-ҳўжалик биологик хусусиятларга эга навлар яратиш селекциячи олимлар олдида турган долзарб вазифалардан биридир деб ҳисоблайди.

И.У.Эгамов, У.Набиев, Д.Алимова, З.Жумабоев (2012) тажрибаларида тезроқ аниқ самарали вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти ва П.П.Лукияненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институти ҳамда СММИТ-ИКАРДА халқаро илмий марказлари билан илмий ҳамкорлик олиб бориб, 6 мингдан ортиқ қимматли нав ва намуналар тўплаган. Бу намуналарни чуқур ўрганиб, юқори кўрсаткичларга эга бўлган нав ва намуналар танлаб олиниб, селекция жараёнида бошланғич материал сифатида фойдаланиб келинган.

Дала тажрибалари Андижон вилояти Андижон тумани Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти тажриба даласининг ўтлоқи тупроқлари шароитининг рақобатли нав синов кўчатзорида 20 та нав ва линияларида 4 та кайтариқда илмий амалий

тажрибалар 2019-2020 йиллар давомида институтнинг Марказий даласида ўтказилди. Андижон вилоятининг тупроқлари денгиз сатҳидан 430-460 метр баландликда жойлашган бўлиб, асосан суғориладиган ерларни ташкил этади.

МУҲОКАМА

Ўрганилган рақобатли кўчатзордаги нав ва дурагай линияларнинг дон технологик сифат кўрсаткичлари лаборатория шароитида ўрганилганда қуйдаги натижалар олинди.

Дон натураси стандарт навда ўртача 810 гр/л, танланган нав ва линияларда КН-5126 линия 836 гр/л, Собербош навида 830 гр/л, КН-446 линияда 824 гр/л, Лидия навида 822 гр/л, АС-2010-Д-34 линияда 820 гр/л, Лилит нави, КН-3898 линияларда 815 гр/л, Ваня навида 810 гр/л, Еланчик навида, КН-5428, КН-3044, АС-2010-Д-10 линиялари 800 гр/л, ташкил этди. Ўрганилган бошқа нав ва дурагай линиялар дон натураси 800 гр/л дан паст бўлганлиги кузатилди.

Шафоллиги андоза нав Чиллаки навида 57,2%, танланган нав ва линияларда АС-2010-Д-10 линияда 67.8%, АС-2011-Д-1 линияда 67.2 %, Станичная навида 67.0 %, Ваня навида 66.3%, АС-2010-Д-34, АС-2015-С-210 линияларда 65.2 %, КН-446 линияда 61,0%, КН-3884 линияда 60.8 %, Еланчик навида 60.5 %, КН-3044 линия 60,5%, КН-3256 линия 60,0 % ни ташкил этди.

Клейкавина миқдори таҳлил натижалари лаборатория шароитида андоза нав Чиллаки ва Аскет навларида 27,6-31.2%, Ваня, Собербош, Станичная навларида 32%, КН-5126, КН-3884, АС-2011-Д-1 линияларда 30.2%, АС2015С210 линияда 29.2%, КН-5130 линия 28,8%, Еланчик навида 28.0%, АС-2010-Д-34 линияда 27,9% ни ташкил этди.

ИДК кўрсаткич натижалар бўйича қуйдагича кузатилди. андоза Чиллаки ва Аскет навларида 75-100%, КН-5428, КН-3898, КН-3044, АС-2010-Д-10 линияларда 100%, КН-446, АС-2010-Д-10, Ас-2011-Д-1 линияларда 95.0%, Лилит навида 92.0 %, КН-3884, КН-3256 линияларда 90%, ташкил этди.

ХУЛОСА

Танланган линиялардан касалликларга, ташқи омилларга чидамли, ҳосилдор ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳар томонлама юқори бўлган линиялар экологик нав синовида йиллар давомида ўрганилган линиялардан танлаб олинди. (1-жадвал)

Рақобатли нав синовидаги танланган нав ва линияларнинг дон технологик сифат кўрсаткичлари (2020й) 1- жадвал

№	Нав ва линиялар номи	Дон натураси, (гр)	Шафоллиги (%)	Клейкавина (%)	ИДК (%)	Группаси
1	Чиллаки	810	57.2	27.6	75.0	I
2	Аскет	773	54.0	31.2	100.0	II
3	Ваня	810	66.3	32.0	75.0	I
4	Еланчак	800	60.5	28.0	75.0	I
5	Собербош	830	58.0	32.0	75.0	I
6	Станичная	767	67.0	32.0	75.0	I
7	Лидия	822	58.0	24.0	75.0	I

8	Лилит	815	41.0	30.0	92.5	II
9	КН-5428	800	58.0	24.0	100.0	II
10	КН-5126	836	58.0	30.2	75.0	I
11	КН-3898	815	50.5	24.0	100.0	II
12	КН-3884	790	60.8	30.2	90.0	II
13	КН-3044	800	60.5	20.0	100.0	II
14	КН-446	824	61.0	26.1	95.0	II
15	КН-3256	720	60.0	23.0	90.0	II
16	КН-5130	760	59.5	28.8	80.0	II
17	АС-2010-Д10	800	67.8	26.2	100.0	II
18	АС-2010-Д34	820	65.2	27.9	95.0	II
19	АС-2015-С210	763	65.2	29.2	75.0	I
20	АС-2011-Д1	769	67.2	30.2	95.0	II

REFERENCES

1. Сиддиқов, Р. А. Хайитбоев, Н.Умиров, Н.Юсупов. “Бошоқли дон ва мойли экинлар селекцияси, уруғчилиги ҳамда уларни етиштириш агротехникасини ривожлантириш истиқболлари” Халқаро конференция Андижон-2011й. 18-19 бет.
2. Эгамов. И.У. У.Набиев, Д.Алимова, З.Жумабоев “Ўзбекистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитига мос юқори сифатли ва ҳосилдор бошоқли дон экинлари навларини яратиш уларни етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш истиқболлари” Халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. Андижон-2012й. 38-39 бет.